# АЁЛЛАРНИНГ ОВОЗ БЕРИШ ҲУҚУҚИ УЧУН КУРАШ

**Инсон ҳуқуқлари**

XIX асрда озодлик учун янграган энг қудратли овоз Фредерик Дугласнинг овози бўлди. 1817 йили жанублик қул сифатида таваллуд топган Дуглас шимолга кўчирилди ва кейинчалик жанубга яна қул сифатида қайтармаслик учун ўз эркини қўлга киритиш воситалари топилди.

Қуллар ўша даврнинг қонунларига биноан савод чиқариши маън этилганига қарамай, бир пайт озод бўлган Дуглас ёзувчилик ва омма олдида нутқ сўзлаш қобилияти борлигини кашф этди. Қулликка қарши кампания уюштириш учун «Шимол юлдузи» деб номланган газета таъсис этди, журнал ва газеталарга кўплаб мақолалар ёзди ва Массачусетсда қулликка қарши жамият нотиғига айланди. Шунингдек, Дуглас қоратанлиларга ўз эркини топиш учун яширин йўллар орқали шимол томон қочишга ёрдам берувчи ҳам қора, ҳам оқтанлилар иштирокидаги ташкилот бўлган «Ер ости темир йўли»ни шакллашга ёрдам берди.

Фредерик Дуглас қоратанли америкаликлар озодлигининг етакчи куйчиси бўлишига ҳам қарамай, у, барча инсонларнинг ва шу жумладан аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқлари учун курашди. Қулликка қарши курашга нисбатан камроқ қон тўкилганига қарамай, XIX асрда бошланиб то келгуси аср бошигача давом этган аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқи учун ҳаракат — калтафаҳмлик, анъана, хурофот ва фарқлашга қарши узоқ муддатли ва шиддатли курашни юзага келтирди.

1830 ва 1840 йиллар мобайнида аёллар Америкадаги турли ислоҳотлар ҳаракатларида муҳим роль ўйнади. Шулар қатори алкогол ичимликларни ман этиш, қулликни йўқ қилиш ва таълим-тарбия ислоҳоти ҳам юзага келди. Улар бажараётган иш муҳим бўлган бир пайтда, аёллар на раҳбарлик мавқеини эгаллай олмаслиги ва на ўз мақомларини кучли муҳофаза эта олмасликлари аён бўлгандек, бунга айримлар сира тоқат қилолмай қолдилар.

Илк муҳим «аёллар мажлиси» 1848 йил Нью-Йоркдаги Сенека Фолзнинг Методист черковида ўтказилди. Бу йиғиннинг асосий ҳомийлари аболиционистлар ҳаракати билан боғлиқ бўлгани таажжубланарли ҳол эмас. Элизабет Кэди Стентон ва Лукреция Мотт Лондонда ўтказилган қулликка қарши мажлисга борганларида аёл бўлганлари учунгина ундан ўчирилган эдилар. Бундай муомаладан дарғазаб бўлганлар дарҳол Сенека Фолз мажлиси тўплашди. 40 эркак, жами 240 иштирокчи Мустақиллик Декларацияси асосида «Аёлларнинг ҳуқуқлари» тамойилини ишлаб чиқиш учун бирга йиғилди. Аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган модда киритилган бўлса-да, аксарият вакиллар бундай чорага хайрихоҳлик билдирмади. Фредерик Дуглас нутқидан кейингина мажлис аҳли бу моддани қабул қилди.

Шу дамдан бошлаб овоз бериш ҳуқуқига эришиш аёлларнинг ҳуқуқлар борасидаги ҳар бир йиғиннинг етакчи мавзуига айланди. Вақт ўтиши билан аёллар жамоатчилик олдида гапиришга эришдилар ва айрим штатлар аёлларга ўз номларига ёзилган мулкка эгалик қилиш, ўз даромадларини сақлаш ва ажралиш ҳолларида ўз болаларига васийлик қилиш ҳуқуқини берувчи қонунлар қабул қилинди.

1869 йили Элизабет Кэди Стентон ва Сюзан Б.Энтони Аёлларнинг овоз бериш миллий уюшмасини таъсис этиб, АҚШ Конституциясига аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқини берувчи қўшимча имтиёз учун қатъий кампания бошладилар. Бу икки аёл 50 йил давом этган иттифоқ тузиб, бутун Америка Қўшма Штатлари узра аёллар ҳаракатининг энг машҳур ҳимоячиларига айланди.

Айнан ўша йили АҚШнинг ҳарбий Вайоминг штати ўз ҳудудларида аёлларга овоз бериш ҳуқуқини таъминлаган илк штат бўлди. Бироқ мамлакатда ҳар бир аёлга овоз бериш ҳуқуқини кафолатловчи 19-қўшимча 1920 йилдагина Конституцияга киритилди.

(«Инсон ҳуқуқлари. Кириш» китобидан).




# ГАНДИЛАР СУЛОЛАСИДАН НОМЗОД

**Сиёсий иқлим**

Ҳиндистон катта сиёсий ўзгаришлар арафасида турибди.

Зотан, бир неча кундан сўнг, аниқроғи 17 февраль — 7 март кунлари Ҳиндистонда умумий сайловлар бўлиб ўтади. Мамлакатда сайловолди компаниялари авжига чиқди. Турли партиялар номзодлари учун курашяпти. Собиқ бош вазир Ражив Гандининг беваси Соня Ганди ҳам сайловда ўз номзодини қўйиши партиялар ўртасидаги курашни янада кучайтириб юборди.

Маълумки, 1991 йилнинг майида собиқ бош вазир Ражив Ганди суиқасд туфайли фожиали ҳалок бўлди. Сўнг ҳукмрон партия — Ҳиндистон Миллий Конгресси арбоблари Соня Гандига сиёсат билан шуғулланишни таклиф қилганларида, у ҳеч қачон бундай қилмаслигини билдирган эди. Негаки, қайнонаси Индира Ганди ва умр йўлдошини қасддан ўлдиришди. Бу даҳшатли воқеа Сонянинг қалбида катта жароҳат қолдирган эди.

Орадан етти йил ўтди. Соня Гандининг бу фикри ўзгарди ва бугунги кунда у мамлакат бўйлаб сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Табиийки, мухолиф партиялар бундай хатти-ҳаракатларда итальян миллатига мансуб бўлган бу аёлнинг ғолиб чиқишига умид кам, деган баҳсли фикр-мулоҳазаларга зўр бермоқда.

Мамлакат аҳолиси этник таркибининг турли-туманлиги айрим ғаразгўй кучлар учун қўл келяпти.

Улар «Ҳиндистонни қачонгача шимолликлар бошқаради?» деган ғояни илгари сураётир. Бу хатти-ҳаракатлари билан шимол ва жануб аҳолисини ўзаро қарама-қарши қўйишга, орада танг сиёсий вазият юзага келишига сабаб — мустақил Ҳиндистоннинг биринчи бош вазири Ж.Неру асли кашмирлик бўлганлигида. Нерудан сўнг унинг қизи Индира Ганди узоқ йиллар мамлакатни бошқарди. Кейинчалик Ражив Ганди сиёсатни давом эттирди. Энди эса, етти йиллик танаффусдан сўнг Соня Ганди давлатни бошқариш жиловини ўз қўлига олишга аҳд қилди.

Яқинда Бҳилаидаги Жайанти ўйингоҳида С.Ганди ўз сайловчилари билан учрашув ўтказди. Бу воқеанинг бир қарашда ҳеч аҳамиятга молик томони йўқдек туюлиши мумкин. Балки тасодифийдир, балки Сонянинг Гандилар сулоласига бўлган ҳурмати рамзидир. Чунки Ж.Неру, И.Ганди ва Р.Гандилар ҳам айнан шу ўйингоҳда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишган эди. Бу маскандаги учрашувлар Гандиларга омад олиб келганди. Ажаб эмас, Соня Гандига ҳам шундай омад келса?!

Унинг сайловчилар билан кейинги учрашуви Бҳилаидан бор-йўғи 40 километр узоқликдаги Райпур шаҳрида бўлишига қарамай, у бу ерга вертолётда келди. Чунки Гандиларга қилинган суиқасдлардан юраги безган Соня бундай вазиятда автомобилдан кўра вертолётдан фойдаланишни маъқул кўрди.

Айниқса, унинг Орисса вилояти маркази Калинга шаҳри ўйингоҳидаги учрашуви ҳақиқий байрамона тус олди.

Гандилар номзоди сайловда ғолиб бўладими-йўқми, бундан қатъи назар, Соня Гандининг сайловларда иштирок этишининг ўзиёқ, Ҳиндистонда катта шов-шувларга сабаб бўлмоқда. Бу шов-шувларнинг қанчалик асосли ёки асоссиз эканлиги ҳақида аниқ бир фикр айтиш қийин. Сайлов якунигина бу жумбоқни ечиб беради, деб ўйлаймиз.

**Жуманазар МЕЛИҚУЛОВ.**



**Монголия. Янги Дархон шаҳри кўриниши.**

## ТЕНГДОШЛАР



## Турфа олам

Болалар катталарга нисбатан ҳайвонот оламига кўпроқ қизиқиб қарайдилар. Ҳатто тили чиқиб улгурмаган гўдак ит билан «тиллашади», мушук билан ўйнашади-да. Ҳайвонлар ҳам ўз навбатида болаларнинг кўпгина эркалик, шўхликларини «кечириб» кетаверадигандек.

Назаримизда, улар ўзаро дил «тили» билан сўйлашадилар.

Англиянинг Бренбери шаҳрида яшовчи Тина Дэйнинг ҳам шунақа «ўртоғи» бор. —Фред Шимпанзе.

Улар бир кунда туғилишган. Икковиям уч ёшда. Қизиғи, шимпанзе қизалоққа наинки ўртоқ, балки энаганинг ўзгинаси. Ортидан эргашиб юради, «қарашади». Баъзида ўйинқароқлик қилган Тинани онасидек «қўллари» билан «хап сеними, шошмай тур» дегандек пўписа қилиб қўяди.

***СУРАТДА: вой, секинроқ...***



**Ҳиндистон. Калкутта кўчаларида.**

**Абдуҳоқид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# ИРОҚ: МОЖАРО ЮЗАСИДАН БИЛДИРИЛГАН АЙРИМ ФИКРЛАР

Буюк Британия мудофаа вазири Жорж Робертсон Ироққа қарши ҳарбий куч ишлатишда ўз мамлакатининг АҚШ билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини яна бир бор таъкидлади.

Ж. Робертсон, БМТнинг Ироққа нисбатан қўлланилаётган резолюцияси бажарилмас экан, халқаро ҳамжамиятнинг бу давлатга ён босишини кутмаса ҳам бўлади, деди. Унинг таъкидлашича, агар АҚШ Ироққа қарши жанговар ҳаракатларни бошласа, Буюк Британия АҚШни қўллаб-қувватлайди. Бироқ ҳали ҳам муаммони музокаралар йўли билан бартараф этишга фурсат бор.

***

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироқнинг озиқ-овқат ва дори-дармон харид қилиш эвазига сотиши керак бўлган нефть ҳажмини кўпайтириш масаласини қайта кўриб чиқиш учун йиғилиш ўтказди. Унда асосан Ироққа ҳар олти ойда 2 миллиарддан 5,2 миллиард АҚШ доллари миқдоригача бўлган ҳажмда нефть сотишга рухсат бериш хусусидаги фикр ўрганиб чиқилди.

БМТ Бош котиби вакили Фред Экхарднинг таъкидлашича, Буюк Британия, Португалия ва Швеция мутахассислари бу борада махсус лойиҳа тақдим этган. Унда нефть экспорти ҳажмини ошириш билан бирга озиқ-овқат ва дори-дармон сотиб олиш механизми ҳам ишлаб чиқилган.

* * *

Ироқ Бош вазири ўринбосари Таха Ясин Рамазон можаро билан боғлиқ воқеаларга муносабат билдириб, тангликни дипломатия йўли билан ҳал қилиш имкониятлари борган сари ортиб бормоқда, деди. Бироқ, унинг айтишича, АҚШ томонидан Ироққа қарши куч ишлатиш эҳтимоли ҳамон сақланиб турибди.

* * *

Колумбиядаги «Тинчлик ва демократия учун» жамоатчилик-сиёсий уюшмаси қўшилмаслик ҳаракатининг тутган йўли Ироқ можаросини тинч йўл билан ҳал этишни қўллаб-қувватлашдир, дея баҳо берди. Шунингдек, уюшма БМТ Бош котиби Кофи Аннанни тангликни тинч йўл билан бартараф этишнинг барча чораларини кўришга чақириб, мурожаат қабул қилди.

Маълумки, ҳозир Колумбия дунёнинг 113 ривожланаётган мамлакатини ўз сафига бирлаштирган қўшилмаслик ҳаракатига раислик қилмоқда.

## ЖАНГОВАР ОПЕРАЦИЯ

*Шри-Ланка қуролли кучлари Тамил сепаратчиларининг мамлакат шимолидаги махфий базаларини йўқ қилиш ҳамда «Тамил илам» озодлик йўлбарслари» гуруҳининг раҳбари Велупиллаи Прабхакаранани қўлга олиш мақсадида кенг кўламли жанговар операцияни амалга оширмоқчи.*

*Шри-Ланка армияси генерали Лионел Балагалленинг таъкидлашича, ҳарбий операция режасига биноан, даставвал Манкуам тумани тамил жангариларидан бутунлай озод этилади. Шунингдек, 15 йилдан буён этник можаролар чиқаришда айбланаётган мазкур гуруҳ раҳбари Л. Прабхакарана ҳибсга олинади.*

*Маълумотларга қараганда, ўтган 15 йил давомида 50 минг киши этник гуруҳлар ўртасидаги низоларнинг қурбони бўлган.*

## ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЗАРУР

*КҲДР аҳолисига дарҳол 415 миллион АҚШ доллари миқдорида озиқ-овқат етказиб бериш зарур. Бу ҳақда БМТнинг Шимолий Кореяга инсонпарварлик ёрдами етказиб бериш бўйича мувофиқлаштирувчиси Дуглас Куттс баёнот берди.*

*Маълумки, КҲДР аҳолиси 1995—1996 йилларда юз берган сув тошқинидан катта зарар кўрганди. Шунингдек, 1997 йилги қурғоқчилик ҳамда экин майдонларининг вайрон бўлгани корейликлар турмуш тарзини янада оғирлаштирган.*

# АВТООЛАМ ХАБАРЛАРИ

Япониянинг «Хонда» компанияси Ҳиндистонда ўзининг «Аккорд» русумли автомобилларини йиға бошлади. Компания вакилининг билдиришича, Ҳиндистонда йиғилаётган автомобиллар бу мамлакатнинг шарт - шароитига анча мос келади.

Шунингдек, компания бу ерда «Сизик» русумли автомобилни йиғишни ҳам режалаштирмоқда. «Хонда» шу мақсад йўлида яқин йиллар ичида тахминан 236 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфламоқчи.

* * *

Германиянинг автомобиль ишлаб чиқарувчи «Фолксваген» концерни Швейцариянинг «Скания» фирмаси билан ҳамкорликда оғир юк ташувчи автомобиль ишлаб чиқариш тўғрисида ҳужжат имзолади.

«Фолксваген»нинг мазкур ҳужжатни айнан «Скания» билан имзолаши бежиз эмас. Бу фирма қарийб 50 йилдан буён «Фолксваген» маҳсулотларини Скандинавия давлатларига етказиб бериш билан шуғулланади.

* * *

Германиянинг спорт автомобилларини ишлаб чиқарадиган «Порше» концерни 1998 йилда немис автокорхоналари орасида рекорд ўрнатмоқчи.

Концерн маъмуриятининг маълум қилишича, айни вақтда йилига 35 минг дона энг замонавий спорт автомобиллари ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Ушбу режани муваффақиятли амалга ошириш учун концерн 1998 йилги харажатларни 2,5 миллиардан 4,5 миллиард маркагача кўпайтирмоқчи.

«ОСИЁ—ВОЛГА»
МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ
*Тошкент шаҳридаги омборхонадан пул ўтказиш йўли билан УАЗ автомобиллари учун кенг турдаги эҳтиёт қисмларни, шунингдек, қишлоқ хўжалик шиналарини, автошиналарни, автомобилларнинг барча турдаги эҳтиёт қисмларини*
**СОТАДИ**
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16 ª уй, 221-хона
Тел\факс: (3712) 41-52-41, 41-58-51.


ТАШКИЛОТ
Полипропилен ун қопларини (50 кг)
СОТАДИ
Телефонлар:
132-15-45, 132-15-39.

ТОШКЕНТДАГИ ФИРМА
Турли хилдаги музқаймоқ ва макарон ишлаб чиқарувчи «Фрезер» дастгоҳларини ҳамда пластмасса идишларни (ликопча, пиёлалар, шарикли ручка, илгичлар) ишлаб чиқарувчи дастгоҳларни
СОТАДИ
Тўлов усули — нақд ёки пул ўтказиш йўли билан.
*Телефонлар: 79-87-49, 79-46-78.*

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси бошқаруви раиси Қ. Ж. Ҳаққуловга отаси **Жалил ҲАҚҚУЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

## ЖАҲОН ЛИГАСИНИ КЎЗЛАБ

Тошкентдаги «Юнусобод» теннис саройи уч кун мобайнида гавжумлашиб турди. Бу ерда Осиё-Океания минтақасининг биринчи гуруҳида қолиш учун Хитой теннисчилари билан Девис кубоги учун қизиқарли мусобақалар ўтказилди. Маълумки, юртдошларимиз илгари Пекин ва Тошкентда бўлиб ўтган ана шундай баҳсларда имкониятларни бой беришган эди. Бу сафар Генрих Дашевскийнинг шогирдлари пухта ҳозирлик кўришганди. Мусобақанинг биринчи кунаёқ Вадим Куценко билан Олег Огородов якка баҳсларда Ю-Ве-Янг ҳамда Ю-Зангларни доғда қолдиришди. Эртасига Олег Огородов билан Дмитрий Томашевич ўзаро ҳамкорликни ўрнига қўйиб, жуфтлик баҳсларида қўллари баланд келиши учун зўр маҳорат кўрсатишди. Улар Ю-Занг ва Линг Лю билан учрашувнинг биринчисида 3:6 ҳисобида ютқазишган бўлсада, кейин ўзларини ўнглаб, 7:6, 6:4 ва 6:1 ҳисобида муваффақият қозондилар. Учинчи куни бўлиб ўтган такрорий якка баҳсларда ҳам юртдошларимизнинг қўллари баланд келди. Шундай қилиб теннисчиларимиз мамлакатда спортнинг мазкур турини ривожлантиришга алоҳида эътибор қилинаётганлигини амалда намойиш этдилар. Энди улар март ойи охирида Сеулда Жанубий Корея теннисчиларига қарши майдонга тушадилар. Агар яна омад юртдошларимизга кулиб боқса, вакилларимизнинг жаҳон лигасига йўлланма олишларига имконият юзага келади.



**СУРАТДА:** теннис мусобақасидан лавҳа.

Суратчи А. РИСҚИЕВ. (ЎзА).

## ҲАР ҚАЛАЙ, КУЧЛИЛАР ДАВРАСИДА

NAGANO 1998

*Японининг Нагано шаҳрида давом этаётган қишки олимпиада мусобақаларининг якунловчи ҳафтаси бошланди. Жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатидан тўпланган йигит-қизлар спортнинг 14 тури бўйича қизғин ва муросасиз баҳсларда маҳорат кўрсатишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Мусобақалар эса Наганодан ташқари Шига Коген, Хакуба, Иизуна Коген, Нозава Онсен ҳамда Кариузава шаҳарларида давом этмоқда. Бугун тоғ чанғиси усталари, чанғида сакраш баҳси иштирокчилари, конькида тезкор югурувчилар, хоккейчилару чанғида мерганлик қилувчилар мусобақаси ўтказилади.*

*Маълумки, олимпиадага йўл олган беш нафар юртдошимизнинг чиқишларини илҳақлик билан кутаётган эдик. Ниҳоят, фигурали учиш баҳсида ҳамюртимиз Роман Скорняков омадини синаб кўрди. Бу йигит олимпиадага йўлланма олиш учун Лозанна шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида 20-бўлишга муваффақ бўлган эди. Билмаган кишига бу ютуқ эриш туюлади. Зеро, жаҳоннинг манаман деганлари қатори майдонга тушиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг устига талабчан ҳакамлар нафосатли баҳс учун танланган мусиқадан тортиб, ҳар бир ҳаракатни зимдан кузатиб турадилар. Шунинг учун ҳам олимпиадада ютиш эмас, у ерга боришнинг ўзи фахрли саналади. Зеро, йигитимиз Наганода бўш келмади. У саралаш баҳсларидан ўтиб, 24 финалчи сафига қўшилди. Баҳс якунида умумҳисобда 19-бўлди. Борига шукр. Боиси, у умид билан юртимиз спорт шарафи учун майдонга тушганди. Энди навбат чанғи акробатикаси усталарига. Сергей Бринер билан Лина Черязова майдонга чиқадилар. Чимён ўғлони Комил Ўримбоев ҳам ўз чанғисини созлаб турибди.*

*Vatanni sevmak iymondandur!*

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

**1998 yil 17 fevral, seshanba № 21-22 (22.259).**

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

## «АҲЛИ ЖАҲОНДИН ЯХШИЛИҚ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарий! Ушбу ўйланма Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг ўзбек мумтоз шоири, олими, саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид «Юлдузли тунлар» романи асосида тузилган. Жавоблар рақамли хонадан «занжир» ҳолида ёзилади.





1. Бобур мирзонинг падари бузруквори. 2. Бобур саройида хизмат қилган машҳур тарихчи. 3. Самарқанддаги майдон. 4. Ҳарбий хизматчи, аскар. 5. Ҳиндистондаги ҳокимлик унвони. 6. «Бобур» видеофильмида бош қаҳрамонни гавдалантирган санъаткор. 7. Шоҳлик саройидаги олий мансаблардан бири. 8. Ҳиндлар қўшинидаги хизматчи. 9. Беморни даволовчи. 10. Мумтоз мусаввир, Бобур мирзо замондоши. 11. Шаҳар ҳокими унвони. 12. Бобурнинг она шаҳри. 13. Жангдаги зафар ва мамлакатнинг янги шоҳи шарафига чалинадиган мусиқа асбоби. 14. Алишер Навоийга фақиҳ илмидан устозлик қилган самарқандлик билимдон. 15. Муқовасоз ҳунарманд. 16. Асардаги замонасининг таниқли меъмори. 17. Араб алифбосида қўлланилган ёзув тури. 18. Фарғона водийсидаги шаҳар. 19. Подшоҳ саройи, қаср. 20. Ёш ҳинд рожасининг онаси фарзандини асраб қолгани учун Ҳумоюнга тортиқ қилган, йирик ва қимматбаҳо олмос номи. 21. Мамлакат фуқароси, халқ. 22. Бобур қўшинлари Ҳиндистонда илк бор қўллаган ҳарбий қурол. 23. Ўрта аср шарқида биринчи тарихчи бўлиб етишган олима, Бобур мирзонинг қизи. 24. Ҳумоюннинг волидайи муҳтарамаси. 25. Бобурнинг аруз илмига бағишланган асари. 26. Самарқандда Мирзо Улуғбек қурдирган обида. 27. Бобур Ҳиндистонда марказий шаҳарга айлантириб, обод этган маскан. 28. Роман қисмларидан бирининг номи. 29. Ҳарбий қурол. 30. Бобур мирзо қўшинларининг Деҳли султони Иброҳим Лоди лашкарлари устидан ғалабага эришган шаҳар. 31. Навкарликдан қўрчибеги даражасига кўтарилган, асарнинг бош қаҳрамонларидан бири. 32. Асарнинг «қил устида турган тақдирлар» бобидан: «... инон, мен тирик бўлсам, сенга бало-қазони йўлатмасмен! — Тангрим сизни ҳам паноҳида асрасин, Тоҳир оға!..» 33. Олий жазони ижро этишда қўлланилган мослама. 34. Асар асосидаги видеофильмда санъаткор Толиб Каримов яратган қаҳрамон. 35. Романнинг биринчи қисмидан «... Умаршайх мирзонинг қўлидаги чинни... катакдаги хатардан қутулгандай осойишта...» 36. Ҳисоб илми. 37. Бино лойиҳаси. 38. Бобур мирзога раҳнамолик қилган, асли исми Индира бўлган деҳлилик сипоҳий олган ном. 39. Баланд, баҳаво қилиб қурилган иморат. 40. Жанг, олишув. 41. Алишер Навоий Ҳиротда қурдирган меъморлик обидаларидан бири. 42. Шоҳга қўриқчилик қилувчи, кичик хизматкор.

Энди жавоб сўзлари асосида қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) ҳарфлар билан алмаштириб, топшириқни ечинг:

I. 6-2;, 10-5; 35-3; 18-2; 2-8; 4-1; 15-2; 24-5; 30-2.

II. 34-5; 25-2; 38-6; 9-2; 14-8; 1-7; 7-4; 12-2.

III. 26-6; 5-4; 17-4; 21-5; 41-2; 23-4; 3-7; 32-3; 11-4; 13-5; 20-4; 14-8.

Ундан аён бўлган сўзлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб асарлар номини англатади.

**Муаммонома:** Аввал романдаги шеърий мисраларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

I. Бори 16, 9, 6, 3 яхшилик қилғилки, мундан яхши йўқ,

Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондан яхшилиқ.

2. Бобур, ўзингни 12, 15, 6, 3, 5, 3, 11, 12, 15 ёрсизки, мен

Истаб жаҳонним, мунча қилиб ёр топмадим!

3. Не хуш мени хушлару не бегона,

Не ғайр ризо мендину не жонона.

Ҳар нечаким яхшиликда қилсам афсун,

Халқ 7, 17, 15, 3 ёмонли била мен афсона.

4. Сендек менга бир ёри жафокор топилмас,

Мендек сенга бир 8, 14, 15, 7 вафодор топилмас.

5. Ҳар ёнғаки азм этсам, ёнимда борур меҳнат,

Ҳар сорики юзлансам, ўтрумға қолур қайғу,

Юз жавру ситам кўрган 13, 7, 2, 6 меҳнату ғам кўрган,

Осойиши кам кўрган мендек яна бир борму?

6. Грифтем олам ба марди-ю зўр,

10, 3 лекин набурдем бо 18, 1, 4, ба гўр.

Энди очқичдаги жавоб сўзлар асосида шакл атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Унда Бобур қаламига мансуб яна икки мисра шеър аён бўлади.

**Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.**

**«Ватан посбонлари» ўйланмасининг жавоблари**

Рақамли хонадан ёй бўйича: 1. Раҳимов. 2. «Довон». 3. Содиқ. 4. Авиация. 5. Автомат. 6. Рация. 7. Далил. 8. Пулемёт. 9. «Кузатиш». 10. Зенит. 11. Порох. 12. Ҳировул. 13. Миномёт. 14. Мотор. 15. Ботир. 16. Тошотар. 17. Қоровул. 18. Ғолиб. 19. Зобит. 20. Ҳакимов. 21. Матонат. 22. Қилич. 23. Чопар. 24. Шукуров. 25. Музофот. 26. Кураш. 27. «Широқ». 28. «Жасорат».

**Муаммонома:** Ҳикмат: она юрт — олтин бешик.

***ЭСЛАТМА:** Жавобларни тўғри топган мухлисларнинг суратлари газетада ёритиб борилади.*



## ХОНГУЛ «ҚАЙЛИҚ» ТАНЛАГАНДА

Хонгул /буғи/ ўзининг кўркамлиги, чиройли кўриниши билан жонзотлар орасида ажралиб туради. Бу жониворни Хонгул аталишига асосий сабаб, вояга етганида бошидаги шохларининг тармоқланиб ўсиб, жуда гўзал кўриниш — гул шаклини эслатишидир.

Ҳатто қадим замонлардаги ривоятларда баён қилинишича, подшоҳлар ов қилгани чиққан вақтларида, хонгулни гўзал кўринишига маҳлиё бўлиб, уларга қарата ўқ узмаганлар. Эркак хонгуллар «қайлиқ» танлаш маросимларида шохларидан асосий ҳимоя қуроли ўрнида фойдаланадилар. Республикамиздаги қўриқхоналарда хонгулларни шундай қизиқ маросимларини кузатган эдим: икки томондан икки эркак хонгул, кенг майдонда бақувват шохларини ер узра қадаб, аҳён-аҳёнда дарахатларга ҳам уриб, ўз кучларини синаб кўрардилар. Рақиблар ўзларини курашиш учун шай эканликларини сездилар шекилли, бир-бирларини ҳидлаб бўлгач, икки томонга қараб йўл олишди. 30-35 метрча масофадан бир-бирлари томон ўқдек югуриб келиб, шохлари билан тўқнаша бошладилар. Ҳатто, уларнинг шохлари бир-бирига занжирдек чирмашиб қоларди. Ўзини кучлилигини ҳис қилган хонгулларнинг бири рақибини анчагина масофагача шиддат билан суриб борди, иккинчиси мағлуб бўлганини сезди шекилли кураш майдонини тарк этиб, қочиб қолди. Курашда ғолиб чиққан хонгул навбатдаги рақиби устидан ҳам шу алфозда ғалаба қозонди. Ўзининг ғолиблигини сезгач, бошини баланд кўтариб, кураш майдонини бир неча бор виқор билан айланди. Сўнг курашни кузатиб турган урғочи хонгуллар сари йўл олди.

**Ўн саккиз минг олам**

Баъзи ҳолларда эркак хонгуллар ўртасида бўлган жангда, кучсизроғи қурбон бўлиши ҳам мумкин. Мабодо бу маросимда одам дуч келиб қолса унга ҳам ҳужум қилиб, шикаст етказиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Хонгуллар асримиз бошларида Ўзбекистоннинг Оҳангарон ва Чирчиқ дарёлари бўйларидаги тўқайзорларда анчагина миқдорда учраган. Бундан тахминан 50 йилларча муқаддам улар одамлар томонидан ваҳшийларча қириб юборилган.

Бу жониворлар саккиз ойда насл қолдириб кўпайишади. Туғилган болалари жуда нимжон бўлиб, бир неча кунга қадар ўз танасини кўтара олмайди. Шу нимжонлик давридан вояга етгунга қадар, улар йиртқич ҳайвонларга ем бўлиб туради.

Айни кунда бу жониворлар жумҳуриятимизнинг Қизилқум ва Байдай-тўқай қўриқхоналарида энг ноёб ҳайвонлар қаторидан ўрин олган бўлиб, муҳофаза қилинмоқда.

Уларни тутиш ва ов қилиш қатъиян ман қилинади.

**Асқар ХОЛМЎМИНОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**

*Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.*
*Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.*
*Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.*
*Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.*
*Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.*
*Халқаро ҳаёт — 133-20-36.*
*Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.*
*Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80. факс— 133-38-55, 133-54-55*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

*Андижонда — 24-16-48;*
*Бухорода — 23-80-06;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-31-86;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 7-58-83;*
*Каттақўрғонда — 5-33-46;*
*Тошкентда — 133-76-04;*
*Урганчда — 6-51-35;*
*Фарғонада — 24-54-61;*
*Қаршида — 3-25-79;*
*Қумқўрғонда — 5-26-24.*

**МАНЗИЛИМИЗ:**

**700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**

**Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

*Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи М. БОБОЕВ.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 34863 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0968

*Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди — 22.00.*

*1 2 3 4 5 6.*

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

## КЎНГИЛ КИТОБИ

***Кундалик, юмуш, кундалик кийим, кундалик дафтар, борингки, кундалик сўзи қўшилган ҳар бир калом сизу бизга қадрдон. Чунки улар бизнинг доимий кузатувчиларимиздир.***

***Кундалик дафтар. Мен уни кўнгил китоби дегим келади. У шундай сеҳрли китобки, ўтиб кетган барча ҳодисаларни кўз ўнгингизда қайта жонлантириш, совиган, сўнган туйғуларингизга ҳарорат бағишлаш қудратига эга. У яна шундай қудратга эгаки, қўлингизга қалам олиб эгилишингиз билан беихтиёр самимий ва ростгўй бўлиб қоласиз. Сўнг эса қилган барча савобу гуноҳларингиз шу кўнгил китобига тўкила бошлайди.***

***

*Баъзилар эртадан кечгача ҳасрат қилса ҳам унга қилча ачинмайсиз. Бир хиллар кулиб турса-да, юраги тўла дард эканини ҳис қилиб, беихтиёр қийналасиз. Шеър ўша жилмайиб турган беморга ўхшайди.*

***

*Кечиккан муҳаббат — тақдир ва у кечиккани учун ҳам қадрлидир. Ва яна кечиккани учун ҳам унинг умри узунроқ бўлади. Чунки одамлар интизор қилганларни асраб-авайлашга одатланиб қолишган.*

***

*Унутманг, жонингиз оғриётган бўлса, бунинг айбдори ёлғиз ўзингиздирсиз. Ахир, бу — жон-ку!*

*Биттагина, азизгина, ширингина жон... Уни сизу биздан бўлак нажоткори бўлмагандан кейин ҳуда-беҳудага уринтиравермай, оз эмас, кўпроқ қадрласак ҳам арзийди-да!..*

***

*Илгарлари олисроқ кетиб қолсам барча изтиробларим барҳам топади, деб ўйлардим. Ҳозир эса сиздан узоқлашгудек бўлсам, даҳшатли бир фалокат рўй берадигандек гўё...*

***

*Гулни нега яхши кўрасиз, деган савол нима учун нонни, сувни яхши кўрасиз деган саволга ўхшаб кетади назаримда.*

***

*У ҳозирча кўнгил уйингизнинг бир четида ишлатилмай турган кераксиз буюмдек... Лекин бир кунмас бир кун асқотиб қолиши ҳам аниқ.*

***

*Ер билан тенг бўлиб қолган кўнгилни ғўддайиб туриб кўтаролмайсиз. Бунинг учун ўзингиз ҳам эгилишингиз, сизнинг ҳам нафасингиз ерга тегиши керак.*

***

*Унинг кейинги пайтдаги ҳаёти бир дона конфет ейиш учун ўзини зўрлаб, бир коса овқатни ичиб юборишга тайёр турган болакайнинг ҳаётига ўхшаб кетяпти, назаримда.*

***

*Армонларим кўп. Лекин улар кўнглимнинг туб-тубига шунчалар чўкиб кетганки, уларни тил деб аталмиш соҳилга чиқара олишимни тасаввур ҳам қилолмайман.*

***

*Сизга олтин тақинчоқлардан кўра, бир тутам майса кўпроқ завқ берармиш. Мен бунга шубҳа қилмайман. Негаки, олтинда жон йўқ, майсада эса жон бор!*

***

*Оила — гирдобга ўхшайди. Аввал ўзига ром этади. Кейин домига тортади. Кейин тўлқинларга ошно қилади. Қисқаси, сиз тўлқинлар ҳамроҳлигида манзилга етиб боргунча, минг ўлиб, минг тириласиз.*

**Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.**

Дилнома